

ЗИРК МЕВАСИ - ТАБИЙ ИММУНОСТИМУЛЯТОР

Шербаева Фируза Анваржон кизи

Тиббиёт факултети, Даволаш иши 2 босқич талабаси.

Илмий рахбар: Раззақов Набижон Алижонович

Кокон Университети Андижон филиали

Аннотация: (*Berberis oblonga* Schneid), қора-қанд — зиркдошлар (зиркгуллилар оиласи)га мансуб буталар туркуми. Барглари қалин, қисқа бандли, кетма-кет жойлашган. Гули сариқ, қўш гул-қўрғонли, шингилга тўпланган; меваси резавор. Шимолий ярим шарда тарқалган. 194 тури бор. 45 тури иқлимлаштирилган. Ўзбекистоннинг тоғ ён бағирларида қизил зирк билан қора зирк тарқалган. Зирк барги таркибида берберин, оксиконтин, бербамин ва бошқа алколоидлар бор. Уларнинг мевалари нордон, мазали бўлганлигидан турли хил таомларга, жумладан, паловга солинади, овқатни хуштаъм қилади. Қора зирк кенг истеъмол қилинганлиги учун унинг тусига нисбат бериб «қорақанд» деб аталади. Табобатда жигар хасталикларини даволашда, иситмани пасайтирувчи, ич кетишни тўхтатувчи ва юракни мустаҳкамловчи восита сифатида қўлланилади.

Abstract: *Berberis oblongata* (*Berberis oblonga* Schneid) is a genus of shrubs belonging to the barberry family (circgulliaceae). The leaves are thick, short- banded, arranged sequentially. The flower is yellow, double, bell-shaped, collected in inflorescences; the fruit is a berry. It is widespread in the northern hemisphere. There are 194 species. 45 species have been acclimatized. Black currant with red patches grows on the mountain slopes of Uzbekistan. 3. Currant leaves contain berberine, oxycontin, berbamine and other alkaloids. Since the fruits of barberry are sour and delicious, they are added to various dishes, including pilaf. Since black barberry is widely consumed, it is called "black currant", which reflects the ratio of its content. In medicine, it is used in the treatment of liver diseases, as a means to reduce fever, stop diarrhea and strengthen the heart.

Калит сузлар: *иммун тизими, гемоглобин, бетта –каротин, витамин С , алкалоид, минераллар, анемия, олма кислота, шовул кислота.*

Key words: *immune system, beta-carotene, vitamin C, alkaloid, minerals, anemia, malic acid, cholic acid.*

Халқлар тарии қанчадан бери мавжуд бўлса, халқ воситалари ҳам шунчадан бери мавжуддир ва хилма-хилдир. Ўсимликлар ҳамда хайвон органларидан тайёрланган табиий дори воситалар ва озиқ-овқат қўшилмаларининг самараси, уларни муваффақиятли қўллаш ҳамда юқори биологик фаолл иги ва яна организмга кам зарарли бўлиши билан изоҳланади. Шу билан бирга, табиий препаратлар иқтисодий томондан ҳам афзалликка эга бўлиб, ўсимликлардан тайёрланган препаратларнинг

нархи, синтетик препаратлар нархига нисбатан анча арзон ҳисобланади. Маълумки, хатто соғлом инсон организмида ҳам, турли биологик ва ижтимоий факторлар сабабли иммунитетининг пасайиб кетиши ва бунинг оқибатида, киши тез шамоллаш, инфекцион касалликларга осонгина чалиниши кузатилади. Айниқса, совуқ киш фаслида, чунки моддалар алмашинувининг секинлашиши натижасида ва яна озуқа моддаларнинг организмга етарли миқдорда тушмаслиги сабабидан иммунитет тизими заифлашади. Шамоллаш ўткир респиратор касалликларнинг умумий номи бўлиб, уларга тумов, зотилжам, грипп каби бир қанча вирусли инфекцион касалликларни санаш мумкиндир. Вирусларнинг доимий ривожланиб ҳамда ўзгаришларга учраб туриши сабабидан, организм уларга қарши доимий иммунитет ҳосил қила олмайди [1].

Иммунитетнинг табиий ҳамда сунъий турлари бўлиб, уларнинг актив (фаол) ва пассив (нофаол) кўринишлари мавжуддир. Табиий фаол иммунитет қачон киши касалликни бошидан кечиргандан кейин ҳосил бўлса, табиий пассив иммунитет эса бола она қорнидалиги вақтида йўлдош орқали ёки туғилгандан сўнг, она сути орқали ўтади [3]. Инсон ҳаёти давомида иммунитет тизими доимо унга қарши бўлган жинслар билан курашиб боради, касалликка учраган вақтларда қабул қилинадиган синтетик препаратларнинг баъзи турлари иммун тизимимизни кучсизлантириб (иммунодепрессантлар) боради. Иммун тизимимиз пасайганда, уни кучайтирувчи модда (иммуностимулятор)лар қабул қилишимиз керак булади. Маълумки, иммуностимуляторларнинг табиий ва синтетик турлари бор. Агар замонавий тиббиёт ходим(шифокор)ларидан–Иммуностимуляторларни шифокорнинг маслаҳатсиз ичиш мумкин-ми?” деб сўралса, улар – “Ҳа, албатта мумкин, фақат ўсимликлар асосида тайёрланган турларинигина” - деб жавоб беришади. Демак, халқимиз орасидаги ушбу касаллик ва унинг салбий оқибатларига барҳам беришда, доривор ўсимликлардан фойдаланиш энг тўғри йўлдир. Ўшандек доривор ўсимликлардан бири зирк (*Berberis*) бўлиб, у қадимдан халқ табobatiда кенг миқёсда қўлланилиб келинаётганлиги сабабли барча халқлар орасида машҳурдир. Зирк меваси пишган вақтда қизил тусда бўлиб, қурилгандан сўнг, қорамтир рангга кириб қолганлигидан, халқимиз уни қора зирк деб ҳам номлашади. Доривор қора зирк (*Berberis oblonga* Schneid) ўсимлигини юртимизнинг, Фарғона вилоятининг Шохимардон, Наманган вилоятининг Чуст тумани ва Сурхондарё вилояти Бойсун тумани ҳудудларининг тоғ ён бағирларида, қўшни Қирғизистон республикасининг Арланбоб тоғ олди ҳудудларида учратишимиз мумкин. Ўсимликнинг барча қисмлари алкалоидлар тутиб, ажратиб олинган алкалоидлар суммасининг асосий қисмини берберин ташкил қилади. Унинг алкалоидларга бой органлари, илдизи ҳамда пўсти ҳисобланади.[2]

Зирк биологик фаол моддаларга бой, асосий биологик фаол моддаларга каратиноидлар флавоноидлар, антиоксидантлар, аскобин кислотаси, органик кислоталар, витаминлар ва углеводларни санаш мумкин. Кўп миқдорда органик

кислоталарнинг борлигидан меваси нордон тамга эга бўлади, масалан, олма кислотасининг ўзи зирк меваси таркибида 7% гача

Зирк тури	витами н С	флавоноидлар		кароти н	Органик кислотал ар
		%	рутин кверцети	н мг%	%
Қора зирк	0,12	0,21	0,78	1,9	17

Ўсимлик меваси таркибидаги флавоноидлардан рутин ва кварцетин бўлиб, улар иммуномодуляторлик, яна антиоксидантлик каби бир қанча хусусиятларга эга.[5]

Юқоридаги жадвалда акс этган зирк таркибидаги аскорбин кислотаси, аввало организм ушбу витаминни ўзига-ўзи ҳосил қилаолмайди, балки, ташқаридан истеъмол орқали тушиши шарт бўлиб, кучли антиоксидант хоссага эгадир. У организмга тушган ёт микроорганизмлар яъни вирус, бактерия, паразитларни зарарсизлантирувчи ва макрофаглар деб аталувчи иммун тизимимизнинг ҳаракатчан хужайраларини рағбатлантира(стимуллай)ди. Бунинг натижасида иммун хужайра(макрофаг)ларнинг фаоллиги ортади.

Макрофаглар ёт микроорганизмларни қамраб олиб, сўнг уларни зарарсизлантиради, умумий қилиб айтганда, шу тарзда иммунитет ўз функциясини бажаради. Зирк меваси таркибидаги биологик фаол моддалардан бўлмиш органик кислоталарнинг иммуностимуляторлик хоссаларидан бирига мисол, маълумки, ҳаётда жуда кўп учрайдиган сурункали гастрит ва ошқозон яра касаллиги келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири *Helicobacter pylori* инфекциясидир. Ушбу бактериянинг ривожланиши ҳамда кўпайиши учун энг асосий омил, бу иммунитетнинг пастлигидир. Кишида ошқозон гипоацедози яъни ошқозонда кислоталиликнинг камайиши натижасида бактерия учун энг қулай шароит юзага келади.

Сўнг микроорганизм фаоллашади ва ошқозоннинг туби қисмини яллиғлайди, кейинги босқичда эса яра ҳосил қилади. Шу ўринда, зирк мевасидан тайёрланган озиқ-овқат қўшилмалари истеъмол қилинса, унинг таркибидаги олма ва лимон кислоталари ошқозондаги кислоталиликни нормаллашишига олиб келади ва бактериянинг салбий таъсири олди олинади. Иммунитет тизими нормал ишлаши учун, оксиллар керак, оксил биосинтези жараёни содир бўлиши учун эса коферментлар (жараёнларни тезлатувчилар) ҳосил бўлиши керакдир, айрим тур

коферментлар эса биз истеъмол қиладиган зирк каби доривор ўсимликлар таркибидаги витаминлардан ҳосил бўлади.

ХУЛОСА

Олимларнинг меҳнатлари самараси ўлароқ, бутун дунё бўйлаб, тиббиётнинг барча соҳаларида синтетик препаратлар ўрнини табиий препаратлар эгаллаётган бир даврда, иммунитетни мустахкамлаш масаласида, табиий доривор зирк ўсимлигидан фойдаланиш ўринлидир. Чунки, доривор зирк ўсимлигининг кимёвий таркиби асосида шундек хулоса қилиш мумкин. Инсон организми айрим турдаги витаминларни ўзига-ўзи синтез қилаолмаслигини эсга тутган ҳолда, бу ўсимлик витамин С, витамин Р ҳамда В турдаги витаминларга эга эканлиги ва ушбу витаминлар организмда содир бўладиган биокимёвий жараёнларда нафақат метаболит ва яна иммун тизимини рағбатлантириш (стимуллаш) хусусиятига ҳам эгадир.

Қора зирк (*Berberis oblonga*) таркибидаги флавоноидлар ва каротин каби биологик фаол моддалар иммуностимуляторлик хоссаларига эгадир. Ушбу ўсимлик таркиби макро- ва микронутриентларга бой эканлигидан, ундан янги табиий препаратлар ва янгидан-янги шифобахш озик-овқат қўшилмаларини ихтиро қилишга туртки бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.Р.Асқаров “Сирли табобат” Тошкент “Фан ва технологиялар нашриёт- матбаа уйи” 2021й. 796 б.
2. И.Р.Асқаров “Табобат қомуси” Тошкент “Мумтоз сўз” 2019 й, 596 б
3. Б.У.Ибрагимхўджаев, Г.А.Шахмуродов, “Иммунология”, Тошкент, 2010, 126
4. Н.А.Раззақов, “Халқ табобати plus” №1 (10), Тошкент, 2022й, 356
5. В. Петрик¹, И.И. Дроздов², Н.Н. Васильева¹, Н.А. Кутакова¹, «Известия высших учебных заведений. Лесной журнал». Архангельск, 2012. № 5, 676